

Юртдошлармиз Мадина шаҳрида иззат-икром ила кутиб олинди



08:25 / 23.05.2024 1354

Бугун, 23 май куни эрта тонгда Тошкент халқаро аэропортидан Мадина шаҳрига эсон-омон етиб келган зиёратчиларимиз эҳтиром билан кутиб олинди.

Ҳамюртларимиз муҳташам 5 юлдузли «Зам-зам Пуллман» меҳмонхонасига киришлари биланоқ илиқ қарши олинди, зам-зам сувлари, хурмо, ширинликлар ва ҳадялар улашилиб икром қилинди.

Айни дамда зиёратчиларимиз меҳмонхоналарга жойлашиб бўлганидан сўнг ихлосу имон билан ибодатларни адо этишга киришмоқда. Хусусан, Масжиду Набавий ва Равзаи муборакни зиёрат қилишга, яқинлари томонидан илтимос қилинган саломларни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етказишга ошиқмоқдалар.

Аллоҳ таоло юртдошларимизнинг сафарларини муборак қилиб, ибодату дуоларини ижобат айлаб, Байтуллоҳ ёнида дуо қилишни барчамизга насиб этсин!